

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 20 август, № 175 (7677) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# СЕН — ҚУДРАТ МАНБАИ, САОДАТ МАСКАНИ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

**Шу кунларда халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг сессиялари ўтказилмоқда. Уларда шу йил 12 август куни мамлакатимиз Президенти раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинмоқда.**

**Сессия**

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*Пандемия шароитида ишлашга ўрганиш, бунинг учун белгиланган карантин қоидаларига қатъий амал қилиш, илгари йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик лозим. Олиб борилаётган бу каби чора-тадбирларда сенатор ва депутатлар ҳам четда турмаслиги зарур.*

*Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг сессиясида ушбу мавзуга алоҳида урғу берилди.*

Сессия аввалида вилоят ҳокими Т. Боболов ҳудудда коронавирус пандемияси билан боғлиқ умумий вазият, пандемия даврида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи, эпидемиологик вазиятни барқарор сақлаш борасида ишларни кучайтириш билан боғлиқ вазифалар ҳақида сўз юритди.

Қайд этилганидек, 12 август куни давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш топшириғи берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, вилоятда коронавирусга қарши курашиш ва карантин чораларини навбатма-навбат юмшатиш борасида тегишли тадбирлар ўз вақтида кўриляпти.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати Гулбаҳор Тангированинг айтишича, пандемия даврида белгиланган вазифаларни амалга оширишда депутатлар четда томошабин бўлиб турмаслиги керак. Аксинча, қатъий депутатлик ва жамоатчилик назорати олиб борилиши зарур. Буни маҳаллий Кенгашлар ўзларининг устувор вазифаларидан бири сифатида билиши лозим.

Сессияда, шунингдек, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ахбороти эшитилди. Ҳудуддаги коронавирус пандемияси билан боғлиқ умумий вазият, тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи, аҳоли ўртасида санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши, дезинфекция ишларини амалга ошириш, тиббиёт ходимларини рағбатлантириш юзасидан маблағлар ажратилиши ҳамда ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши борасида сўз юритилди.

Якунда карантин тартиблари босқичма-босқич юмшатиб борилиши муносабати билан фуқароларнинг яшаш ва ишлаши, соғлом турмуш тарзига амал қилиши ҳамда тўғри овқатланиши, шунингдек, уларга бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини ташкил этиш масалалари бўйича соғлиқни сақлаш бошқармасининг вилоят аҳолисига мурожаати матни тасдиқланди.

Видеоконференцалоқа тарзида бўлиб ўтган ушбу сессияда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

*Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг галдаги сессиясида COVID-19 пандемияси туфайли мамлакатда жорий этилган карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича белгиланган вазифаларнинг вилоятдаги ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.*

*Видеоконференцалоқа тарзида бўлиб ўтган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов ҳамда Хоразм вилоятидан сайланган қуйи палата депутатлари иштирок этди.*

Сессияда карантин талабларини босқичма-босқич юмшатиш бўйича белгиланган вазифаларнинг вилоятдаги ижроси юзасидан Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ахбороти тингланди. Шунингдек, вилоятда санитария талаблари ва карантин қоидаларига қатъий риоя этиш юзасидан соғлиқни сақлаш бошқармасининг вилоят аҳолисига мурожаати ўқиб эшиттирилди. Унда халқимиз бошига тушган бу синовларни енгиб ўтиш учун бугун барча жипслашиши, аҳил ҳамда бирдам бўлиб, ягона мақсад йўлида бирлашишимиз шартлиги қайд этилган.

Тадбирда аҳолига ўз вақтида ва юқори сифатли бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини таъминлаш билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилиниб, бу борадаги чора-тадбирлар ҳам белгилаб олинди.

Жамоат жойларида, одамлар кўп йиғиладиган масканларда, айниқса, оилавий тадбирлар, тўй-маъракалар ўтказишда фуқароларнинг санитария талабларига қатъий риоя этиши устидан жамоатчилик ва депутат назоратини кучайтиришга келишиб олинди.

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов сўзга чиқиб, Ўзбекистон халқининг ҳокимият институтлари саъй-ҳаракатларига бўлган ишончи ва фуқароларнинг эпидемия давридаги мавжуд вазиятга нисбатан масъулиятли муносабати эпидемия жараёнининг фожиали тус олмаслигини таъминлаш борасида асосий омилга айланганини, халқимиз карантин қоидаларига тўлиқ риоя этиб, ўзининг мустаҳкам иродасини, ҳамжиҳатлиги ҳамда бирдамлигини яна бир бор намоён этганини таъкидлаб ўтди.

Сессияда маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди. Якунда тегишли қарор қабул қилинди.

➡ 2



**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси**

## ЭКОПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

*Кеча Ўзбекистон Экологик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан ёшларнинг ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.*

Видеоконференция тарзида ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, Экологик партия платформасида ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, “Биз келажак учун жавобгармиз” шиорининг ўзи ҳам айнан навқирон авлод вакилларига бўлган эътиборнинг намунаси ҳисобланади.

Бугунги кунда партиянинг 280 мингдан зиёд аъзолари бўлиб, уларнинг қарийб 60 фоизга яқини ёшлардан иборат. Шу нуқтаи назардан, навқирон авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, экологик маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш, ҳуқуқий онги ва экологик саводхонлигини ошириш ҳамда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

➡ 2

## ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА ИЛМ-ФАНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 11 августда “Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Бу мотуридийлик таълимотининг асосчиси бўлган Имом Мотуридий ва издошларининг илмий мероси ҳамда калом илмига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур тадқиқ этиш, уларни Ўзбекистон ва бутун дунёга танитишга хизмат қилади.*

**Маънавият**



Кейинги йилларда Ўзбекистонда ислом маданияти ҳамда илм-фанини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда бу ерда аввалроқ Бухорий, Насафий ва Термизий каби алломаларнинг илмий меросини ўрганадиган ҳамда тарғиб қиладиган илмий-тадқиқот марказлари очилган эди. Ушбу муассасалар бу муқаддас заминдан етишиб чиққан олимлар ва уларнинг илмий меросини ёш авлодга ҳар томонлама етказишга катта ҳисса қўшмоқда.

Шу маънода, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг ҳам аҳамияти беқиёс. Зеро, ушбу марказ ўз йўналишидаги биринчи илмий муассаса ҳисобланади. Гарчи дунё миқёсида бу борада кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, билишимизча, ҳанузгача бирор мусулмон давлати, жумладан, Туркияда ҳам Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази очилмаган эди.

Имом Мотуридий ислом тафаккурида алоҳида ўринга эга шахс саналади. У ислом маданиятида диний билимларда тўғри илм ҳосил қилишнинг мезонларини ишлаб чиқди. Унинг билиш назариясида тўғри маълумотга эришишнинг уч йўли мавжуд: соғлом ақл, соғлом туйғу ва тўғри хабар. Шунга кўра, у илм соҳалари ичида ақлга таянадиганларини Ақлиёт, ҳисларга таянадиганларини Ҳиссиёт ва ваҳий ҳамда хабарга асосланадиганларини Самъиёт деб атаган.

➡ 2

**Долзарб мавзу**

## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ВА ДАВР ТАЛАБИ

### Улар қандай уйғунлаштирилмоқда?

*Шу кунларда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси жамоатчилик ўртасида, ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилиняпти. Мазкур муҳим демократик жараёнларда нафақат ҳокимият ва ҳукумат идоралари вакиллари, балки экспертлар, журналистлар ҳамда оддий фуқаролар ҳам фаол иштирок этмоқда.*

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги халқаро семинар ҳам ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Унда давлат органлари вакиллари, маҳаллий экспертлар билан биргаликда, йигирмадан зиёд хорижий экспертлар қатнашиб, қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирди.

Хўш, мазкур ҳужжатнинг долзарблиги нимада? Нима учун уни яратиш зарурати пайдо бўлди?

### Муаммо ва зарурат

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимиятининг бўлиниши принципига асосланишини барчамиз яхши биламиз. Ҳар учала ҳокимиятда эса кенг маънода давлат хизматчилари фаолият юритади. Яъни ушбу хизматчилар муайян лавозимларда давлат функцияларини амалга оширади. Албатта, улар иш фаолияти хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўзаро фарқланади ва фаолияти турига қараб алоҳида қонунлар асосида ишлашади.

Масалан, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи Олий Мажлис депутатлари ҳамда сенаторлар, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолиятига оид қоидалар, уларнинг мақоми алоҳида ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунлар билан белгилаб берилган.

➡ 3

## ВАҚТИНЧАЛИК ЧОРАЛАР ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ

*Камбағаллик бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ. Ҳар қайси замонда, ҳар қайси мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам кам таъминланган, эҳтиёжманд аҳоли қатлами бор.*

**Бонг**

Давлатимиз раҳбари парламентга йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимиздаги камбағаллик даражаси 12 — 15 фоиз атрофида эканини маълум қилган эди. Бу 4-5 миллион аҳоли етарли даромад манбаига эга эмаслигини, ижтимоий ҳимояга муҳтожлигини билдиради. Таҳлилларга кўра, ана шу юртдошларимизнинг бир кунлик даромади 10 — 15 минг сўмдан ошмас экан.

Айтиш жоиз, кейинги пайтда камбағаллик, уни камайтириш ҳақида кўп гапиряпмиз. Бу борадаги рақам ва кўрсаткичларни ҳар томонлама таҳлил этяпмиз, таклифлар беряпмиз. Хўш, камбағал аслида ким? Уни қайси мезонлар асосида белгилаймиз?

Бунинг учун, биринчи навбатда, камбағаллик тушунчаси, уни аниқлаш мезонларини белгилаш, яъни “истеъмол саватчаси” ва “яшаш минимуми” ҳақида алоҳида қонун қабул қилиниши зарурлиги кўп айтилди. Керакли қонун қабул қилинмасдан, кучга киритмасдан туриб, камбағалликни қисқартириш дастурларини самарали амалга ошириб бўлмайди. Катта маблағ, ҳаракат, вақт зое кетиши мумкин. Қайси оила нима учун қийин вазиятда? Кимга қандай ёрдам кўрсатиш керак? Бу саволларга асосланган жавобни билмасдан камбағалликни қисқартириш осон бўлмайди.

➡ 2

## МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ УЧУН ҚАНДАЙ ЕНГИЛЛИКЛАР БЕРИЛАДИ?

*Шу йилнинг 17 август куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида хорижда меҳнат қилаётган фуқароларга муносиб шарт-шароитлар яратиш ҳамда улар билан тизимли ишлаш масаласига яна бир бор барчанинг эътибори қаратилди.*

**Мушоҳада**

Маълумотларга кўра, юртимизда ҳар йили қарийб 200 минг кишининг бандлигини ташқи меҳнат миграцияси орқали таъминлашга тўғри келяпти. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бу табиий жараён, барча ривожланаётган давлатлар шундай босқичдан ўтган. Қаерда меҳнат миграцияси тўғри ташкил этилган бўлса, бандлик, оилалар даромади, малакали мутахассислар кўпайган.

Шу ўринда хориждаги юртдошларимиз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаш борасида кейинги йилларда амалий ишлар қилинаётганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, Россия, Қозоғистон, Туркия, Япония ва Бирлашган Араб Амирликлари билан меҳнат миграцияси борасида халқаро шартномалар имзоланди ҳамда ташқи меҳнат миграция масалалари бўйича Бош вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Шунингдек, чет элларда ишлаётган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун махсус жамғарма ташкил этилиб, 100 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Шунга қарамай, четда ишлаётган ҳамюртларимизни ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маданий қўллаб-қувватлаш борасида ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўплиги йиғилишда алоҳида айтиб ўтилди. Айниқса, меҳнат мигрантларимиз иш берувчи компанияларни топиш, улар талабига мос малакага эга ва тил биладиган мутахассис бўлиш, ўша давлатдаги меҳнат қонунчилигини ўрганиш каби муаммоларга энг кўп дуч келмоқдалар.

➡ 2

**Бизнинг суҳбат**

***Коронавирус касаллиги, шубҳасиз, бутун дунё аҳлининг турмуш тарзини ўзгартириб юборди. Ушбу инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида юртимизда ҳам карантин чора-тадбирлари жорий этилди.***

***Мамлакатимиздаги вазият нисбатан барқарорлашгани, ҳудудларда даволаш ўринлари ва нафас бериш аппаратлари сони бир неча баробар кўпайтирилгани, муолажа усуллари янгилангани ҳамда тез тиббий ёрдам хизмати кучайтирилгани, коронавирусдан соғайиш кўрсаткичи ошгани боис Республика махсус комиссияси қарори билан 15 августдан карантин талаблари босқичма-босқич енгиллаштирила бошланди.***

***Хўш, ушбу шароитда энди қандай яшашимиз керак? Вирус қачон бутунлай жиловланади? Умуман, инсоният бу балодан тўла халос бўлиши мумкинми?***

***Самарқанд давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жасур РИЗАЕВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.***




## КАРАНТИН ТАЛАБЛАРИ ЮМШАТИЛМОҚДА АММО БУ КАСАЛЛИК ТУГАДИ, ДЕГАНИ ЭМАС

— Аввало, айтиш жоиз, коронавирус дунё бўйлаб ёйилиб бораётган давр жаҳон шифокорлари олдига янги, нотаниш масалани қўйди, — дейди Ж. Ризаев. — Чунки инсоният бундай балога яқин орада дуч келмаган эди. Шу сабабли Президентимиз топшириғи билан юртимизда жорий қилинган карантин қоидалари, биринчи навбатда, коронавирус инфекциясининг кенг ёйилишини тўхтатиш, уни жиловлаб туриш учун энг самарали тадбир ҳисобланади. Бугун кўряпмизки, карантин қоидаларини қанчалик эрта жорий этиб, унга тўлиқ амал қилган давлатларда бу касаллик чекинмоқда. Аксинча, бунга риоя этмаган мамлакатларда аҳвол оғирлашмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан юртимизда коронавирусни даволашга йўналтирилган карантин зоналари, махсус шифохоналар қурилди. Бошқалари эса карантин муассасасига айлантирилди. Аҳолига тушунчалар бериш мақсадида махсус Call-марказлар ташкил қилинди. Жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институтида ҳам ана шундай Call-марказ иш бошлади.

Лекин яна бир нарсани унутмаслик керак, коронавирус янги вирус ҳам эмас. Унинг устида кўплаб ўрганишлар қилинган. Вирус бугунги кунда мураккаб модификацияга учраб, пандемия шароитини келтириб чиқарди. Бунга эса давлатлар тайёр эмасди. Бизда коронавирусга қарши кураш тўғри йўлга қўйилгани учун бугун касаллик кўрсаткичи юқори даражага чиқишини тўхтатиб туришга эришмоқдамиз.

Юртимиздаги вазият ҳисобга олиниб, шунингдек, кенг жамоатчиликнинг фикр ва илтимосини инобатга олган ҳолда, карантин талаблари босқичма-босқич юмшатилмоқда. Бу иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳолининг яшаш шароитини енгиллаштиришга хизмат қилади.

➡ 4

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

1

*Вилоят аҳолисини вирусдан асраш учун қандай чоралар белгиланган? Одамлар ўзини ўзи ҳимоя қилиш учун, биринчи навбатда, нималарга эътибор қаратиши лозим?*

*Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида ушбу саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.*

Сессияда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Алишер Қодиров ва вилоятдан сайланган қуйи палата депутатлари ҳам масофадан иштирок этди.

Таъкидланганидек, 2020 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари пандемия кўплаб давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсиқ бўлиб, янги-янги таҳдид ва инқирозларни юзага келтирганини яққол намоён этмоқда. Дунё кўламида кенг тарқалган бу вабони жиловлаш борасидаги тахминлар эса ҳамон ноаниқ ва қарама-қаршиликларга тўла.

— Ҳозирги шароитда коронавирус инфекциясига қарши самарали курашмоқ учун давлат сиёсатининг оқилона ҳамда юксак масъулият билан олиб борилиши давлат ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади, — деди Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари А. Қодиров. — Бу ҳаётий аксиомалар халқимиз манфаатларини ҳимоя қилиш борасида аниқ-равшан ва изчил давлат сиёсати, ижтимоий йўналтирилган давлат бошқаруви олиб борилишини энг муҳим ҳаётий зарурат сифатида кун тартибига қўймоқда. Мамлакатимиз учун мураккаб бўлган вазиятда давлат раҳбари қисқа муддат ичида коронавирус инфекциясига қарши курашишнинг самарали ҳамда таъсирчан тизимини яратди ва ушбу ўта мураккаб, кенг қамровли жараённинг барча босқичида сиёсий масъулиятни ўз зиммасига олди.

Сессияда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчиси Вали Тўрақулов ва вилоят санитария эпидемиологик осойишталик маркази бош санитария врачи вазифасини бажарувчиси Рустам Ҳасановнинг ахбороти тингланди.

Масъулларнинг таъкидлашича, вилоятга чет элдан кириб келаётган фуқароларнинг кунлик рўйхати шакллантирилиб, ҳар куни икки маротаба кўрикдан ўтказилиб, соғлиғи тўғрисидаги маълумотлар назоратга олинмоқда. Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида 46 та мобиль гуруҳ ташкил этилган ва улар мутахассис, тиббий асбоб-ускуна, дори-дармон ҳамда техника билан таъминланган. Шунингдек, вилоятда 1407 нафар беморга мўлжалланган вақтинча сақлаш ва тақсимлаш пунктлари тайёрланди.

Тадбирда Навоий вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг вилоят аҳолисига мурожаати қабул қилинди.

Сессияда аҳолига сифатли ва шошилинч бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатилишини таъминлаш билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган масалалар ҳам муҳокама қилинди. Маҳаллий Кенгаш депутатларининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари инобатга олиниб, Навоий вилояти Кенгашининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ БЎШЛИҚЛАР ТЎЛДИРИЛМОҚДА

*Мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар шиддати барча соҳа, жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўналишида ҳам ўз аксини топмоқда. Бугун инсон тақдирига, қадр-қимматига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Шахснинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини шунчаки сўзларда эмас, балки амалий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан натижадор ишларга ўтилди. Бу борадаги ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга эътибор кучайди.*

## Шарҳ

Давлатимиз раҳбарининг "Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам айни пайтда соҳада олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Соҳа мутахассислари яхши билишади — жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш борасида механизмлар тўлиқ ишга солинмаган, шунингдек, жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ қонунчиликда бўшлиқлар мавжуд. Президентимиз Фармони билан ана шу камчилик ҳамда кемтиклар бартараф этилмоқда.

Фармон билан ярашув институтини қўллаш механизми такомиллаштирилмоқда. Бу нима дегани? Шахсга нисбатан тергов даврида эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида кўрилаётганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган енгилроқ моддага қайта малакаланган ҳолларда ярашув институтини қўллаш имконияти яратилмоқда. Шу бугунга қадар етказилган зарарни қоплаган ва жабрланувчи билан ярашувга эришган айбланувчининг жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан нотўғри малакаланиши оқибатида у жиноий жавобгарликдан озод бўлиш имкониятидан маҳрум эди. Суд судланувчининг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $66^{-1}$-моддасида (Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш) назарда тутилган моддаларга қайта малакалаган тақдирда ҳам у ярашув институтидан фойдалана олмайди. Амалдаги Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексида бундай механизм мавжуд эмас.

Бундан ташқари, киритилаётган ушбу ўзгартиш мавжуд коррупцион норманинг ҳам бартараф қилинишига, амалиётдаги инсон омили бўлган тамагирликнинг олдини олишга хизмат қилади. Суриштирув ёки тергов органи томонидан шахснинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг $66^{-1}$-моддасида назарда тутилмаган бошқа модда билан малакаланган тақдирда ҳам суднинг барча инстанциясида ушбу хатолик бартараф этилиб, шахснинг ярашув институтидан фойдаланишига имкон яратилади.

Ҳужжатда жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш назарда тутилган.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида ушлаб туриш муддати ушланган ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этиши кўрсатилган. Бироқ шахс кодексда кўрсатилганидек, ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилмасдан қонунга хилоф равишда бошқа жойда ушлаб турилиши ҳам мумкин. Эндиликда Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш киритиш билан ушланган шахснинг ҳуқуқлари поймол бўлишининг олдини олиш мақсадида жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддати у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, шахснинг ҳимоячи хизматидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари янада кўпроқ кафолатланмоқда, шунинг учун шахс амалда ушланган пайтдан бошлаб, тегишли мансабдор шахс у билан боғлиқ суриштирув ва тергов ҳаракатларини ўтказишдан олдин ҳимоячи билан холи учрашувни таъминлаши шартлиги ҳақидаги қоида назарда тутилмоқда. Амалдаги Жиноят кодексида ҳимоячи билан холи учрашув гумонланувчининг ҳуқуқи сифатида кўрсатилган.

Шунингдек, ўта оғир жиноят содир этганликда айбланаётган шахсларга оид жиноят иши бўйича, шу билан бирга, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳолатларида ҳимоячининг иштироки шартлиги белгиланмоқда.

Фармон билан жиноят қонунчилигига янги институт, яъни айбига иқрорлик бўйича келишув институти киритилмоқда. Суриштирув, тергов органи билан келишув орқали айрим тоифадаги жиноятлар бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, шунингдек, келтирилган зарарни бартараф этган тақдирда унга нисбатан қонунда белгиланган энг кўп жазонинг ярмидан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатигача жазо тайинланади. Дастлабки босқичда ушбу институт айрим тоифадаги жиноятлар бўйича қўлланилиб, кейинчалик амалиётдаги самарасига қараб, унинг қўллаш доираси ҳам кенгайиб боради.

Ҳужжатда жиноят қонунчилигининг либераллашувига хизмат қиладиган яна бир янгилик киритилди. Эндиликда вояга етмаганларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бор шахсларга ҳамда пенсия ёшига етганларга нисбатан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди.

Хулоса ўрнида айтганда, Фармон ижросининг тўғри ва сифатли ташкил этилиши жиноят процессини янада такомиллаштириш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш ҳамда унда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш, жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш борасида самарали механизмларни жорий этишга хизмат қилади.

**Даврон АРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИ УЧУН ҚАНДАЙ ЕНГИЛЛИКЛАР БЕРИЛАДИ?

1

Шу боис йиғилишда давлатимиз раҳбари хорижда ўзбекистонлик фуқароларнинг етарли даражадаги меҳнат шароитларини таъминлаш учун иш берувчи чет эл компаниялари билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш муҳимлигини таъкидлаб, уларнинг талабига мос малакага эга ва тил биладиган мутахассислар тайёрлаш вазифасини тегишли давлат органлари олдига вазифа қилиб қўйди.

Шу муносабат билан Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ҳудудий филиалларининг ваколатлари кенгайтирилиб, уларга хорижий иш берувчилар билан бевосита шартнома тузиш, миграция хизматлари билан музокаралар ўтказиш ҳуқуқи берилиши ва филиаллар раҳбарлари вилоят ҳокимининг ёрдамчиси ҳисобланиши белгиланди.

Фуқароларнинг ишга жойлашиб, меҳнат ҳақи олгунгача бўлган харажатларига маблағ топиш муаммоси ҳам ўз ечимини топди, яъни меҳнат мигрантларига йўл ҳақи, патент олиш ҳамда ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш харажатлари учун 10 миллион сўмгача паст ставкада кредитлар ажратиш белгиланди.

Йиғилишда нафақат чет элга ишга кетаётган фуқароларимизни, балки уларнинг оиласидан хабар олиб, ота-онасининг соғлиғи, фарзандларининг ўқиши ва бошқа эҳтиёжларига кўмаклашиш вазифаси қўйилдики, бу ҳам меҳнат мигрантлари учун айни муддаодир.

Чет элда малака орттирган ва Ватанимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган фуқароларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар билан манзилли ишлайдиган, молиявий қўллаб-қувватлайдиган тизим яратилиши айтилди. Жумладан, уларнинг давлат рўйхатидан ўтишига кўмаклашиш, 3 ойгача ижара тўлови бўйича субсидия бериш, тадбиркорликни бошлаши учун кредит ресурслари ажратилиши ҳамда банк кредитлари таъминоти бўйича суғурта полиси харажатларининг бир қисми қоплаб берилиши, бу мақсадларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан йил якунига қадар 25 миллиард сўм, кредитлар учун 100 миллиард сўм ажратилиши белгиланди.

Ўз навбатида, иш стажини ҳисоблаш бўйича меҳнат мигрантлари учун яна бир ижтимоий ҳимоя, яъни ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш ва меҳнат стажини ҳисоблаш тизимини мигрантлар учун ҳам татбиқ этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Умуман, видеоселектор йиғилишида илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар меҳнат мигрантларимиз учун қатор енгилликлар берадики, бу кези келганда оилалар тўкинлиги ва пировардида юртимиз иқтисодиётининг янада ривож топишида муҳим омил бўлади.

**Эркин ГАДОЕВ,
Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

# ЭКОПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

1

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти билан Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда партиянинг "Ёшлар қаноти" ўртасида кенг кўламли ҳамкорликни йўлга қўйиш, жумладан, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интилишларини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароитни яратиш ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида янги инновацион ғояларни тарғиб қилиш юзасидан биргаликда амалга ошириладиган ишлар муҳокама қилинди.

Ёшлар парламенти аъзоларининг фракциянинг қонун ижодкорлиги ҳамда парламент назоратини амалга ошириш жараёнларида бевосита иштирокини таъминлаш орқали уларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини олиш ҳамда уларни ишлаб чиқилаётган лойиҳаларда акс эттириш масалалари эътибор марказида бўлди. Хусусан, Ёшлар парламентининг Соғлиқни сақлаш, экология ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоларини фракция томонидан ўтказиладиган турли муҳокамалар ҳамда тадбирларга доимий тарзда жалб қилиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Давра суҳбатида Экологик партиянинг Ёшлар парламентига ҳудудлардан сайланган аъзолари ва "Ёшлар қаноти" фаоллари ZOOM платформаси орқали иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

**«Халқ сўзи».**

# ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ВА ИЛМ-ФАНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ



1

Имом Мотуридий мазкур билиш назариясини калом илмига татбиқ этиб, турли динлар қаршисида ислом эътиқодини ҳимоя қила оладиган "Китоб ат-тавҳид" асарини ёзиб қолдирди. Унинг тарафдорлари Мотуридийнинг мазкур асари ва бошқа асарларини истифода этган ҳолда, Самарқандда аҳли суннанинг "Мотуридийлик" деб ном олган ақидавий йўналишига асос солдилар. Бу марказларда мотуридийлик қарашларидан таълим олганлар ўз шогирдлари ҳамда қаламга олган юзлаб калом илмига оид асарлари воситасида Мовароуннаҳр, Хуросон, Волгабўйи, Онадўлу ва Болқон юртларида мотуридийликни кенг ёйдилар. Шу тариқа, мотуридийлик туркий жамиятларнинг диний эътиқод ҳамда тушунчасида мавжуд бўлган хорижийлик ва ботинийликка бориб тақалувчи зарарли оқимлар тарқалишининг олдини олди.

Имом Мотуридий ўзининг илмий назариясини фиқҳ илмида қўллаш орқали бу соҳада улкан ютуқларга эришди ва шунга кўра, ҳанафий фиқҳи усулини ёзиб чиқди. Аммо унинг бу борадаги иккита асари йўқолганлиги сабабли унинг усулул фиқҳга оид қарашларини "Таъвилот ал-Қуръон" ҳамда ундан кейин ҳанафий усулул фиқҳида ёзилган манбаларда акс этгани қадарича биламиз, холос. Ишонамизки, ушбу марказ тадқиқотчилари йўқолган ўша асарларни топади ва уларни ислом оламига тақдим этади. Имом Мотуридий ҳанафий фиқҳ усулини қайта ёзиш билан нафақат ҳанафийликни жонлантирди, балки Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Темурийлар ҳамда Усмонийлар даврида юзлаб олимларнинг камол топиши ва минглаб усулул фиқҳ ҳамда фуруъул фиқҳ асарларининг дунёга келишига замин ҳозирлади. Ҳанафийлик мазҳаби деярли барча туркий давлатларнинг миллий мазҳабига айланди. Марказ ҳанафий-мотуридий фиқҳ анъанасида ёзилган ва ҳали нашр қилинмаган юзлаб асарларнинг чоп этилишига раҳбарлик қилишига ишонамиз.

Имом Мотуридий фақатгина калом ва фиқҳда эмас, тафсир соҳасида ҳам янги бир замин очган. Ўзидан аввалги олимлар Қуръони каримни ривоятларга асосланган ҳолда тафсир қилиб келган бўлсалар, Имом Мотуридий ақлга таянувчи ҳамда "таъвил" деб ном олган усулда Қуръон оятларини шарҳлашга киришди. Кейинчалик тафсир илмида бу услубга "Ақлий тафсир усули" номи берилди ва бу йўналишда, аввало, ҳанафийлар, қолаверса, бошқа мазҳаб намояндалари томонидан ўнлаб тафсирлар битилди. Охирги вақтларда Мовароуннаҳр ҳамда туркистонлик ҳанафий-мотуридий олимларига оид тафсирларнинг нашрдан чиқиши билан ҳанафий-мотуридий таъвил-тафсир анъанасининг мавжудлиги яққол намоён бўлди. Бу анъанага тегишли кўплаб қўлёзмалар кутубхоналарнинг чангли токчалари ёхуд хусусий архивларда сақланмоқда. Ишонамизки, мазкур марказ ушбу асарларнинг ҳам нашр этилишида ташаббус кўрсатади.

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўз тадқиқотларида калом, фиқҳ ва тафсир илмининг бугунги кун шартлари ҳамда эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳолда янгидан барпо бўлишида ва илм оламида янги Мотуридийлар, Насафийлар, Паздавийлар, Сарахсийлар, Марғинонийлар, Яссавийларнинг етишиб чиқишида муносиб ҳиссасини қўшади. Бу ёш тадқиқотчилар эса Ўзбекистонни ўтмишдагидек ислом тамаддунининг марказларидан бирига айлантиради.

**Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази мусулмон оламида кутубхона ҳамда архивларда сақланаётган ҳанафий-мотуридий таълимотига оид қўлёзма асарларни нашр этиши, илм оламидаги тадқиқотлар ва ҳужжатларни аниқлаб, уларнинг каталогларини яратиши ҳамда уларни интернет муҳитида тадқиқотчиларга очиб қўйиши ислом олами учун буюк бир хизмат бўлади.**

Марказ томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар бутун ислом оламида, жумладан, Ўзбекистонда ёт оқимлар таҳдиди ва босими остидаги ёш авлодга улар билан кураш олиб бориш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда радикализм ҳамда такфирчиликка қарши тура оладиган исломнинг энг кучли таълимоти ақл тарафдорлари сифатида танилган ҳанафий-мотуридийлар таълимотидир. Биз бу таълимотга кўр-кўрона эргашиб ва уни тадқиқ этмасдан туриб муваффақиятга эриша олмаймиз. Аксинча, биз уни бугунги мафкуралар, фалсафий ҳамда диний оқимларга жавоб берадиган шаклда қайта жонлантиришимиз лозим.

Ҳанафий-мотуридий таълимотида ақл, илм ва ахлоқ муҳим аҳамиятга эга. Мазкур таълимот инсоний муҳаббат ҳамда ҳамжиҳатликда яшаш асосларини мустаҳкамлайди, дин ва виждон эркинлигини қадрлайди. Ҳанафий-мотуридийлик тарихда бўлганидек бугунги кунда ҳам зўравонлик, терроризм, такфир менталитети ҳамда динни сиёсийлаштиришга қарши курашда муҳим потенциалга эга. Кўр-кўрона мутаассиблик, сохта салафийликка мотуридийлик таълимоти билангина қарши туриш мумкин.

Иккинчи томондан, ҳанафий-мотуридийликни тўғри англаш ботиний ҳаракатлар ва сўфий ақидапарастликнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази мусулмон оламида кутубхона ҳамда архивларда сақланаётган ҳанафий-мотуридий таълимотига оид қўлёзма асарларни нашр этиши, илм оламидаги тадқиқотлар ва ҳужжатларни аниқлаб, уларнинг каталогларини яратиши ҳамда уларни интернет муҳитида тадқиқотчиларга очиб қўйиши ислом олами учун буюк бир хизмат бўлади. Бу ҳолат эса ўтмишда бўлгани каби бугунги кунда ҳам мотуридийлик таълимоти ва унга оид бажарилган тадқиқотларни ўрганиш бобида Ўзбекистонни муҳим бир марказга айлантиради. Мотуридийлик исломга доир умумбашарий чақириқларни яна такрор Имом Мотуридийнинг Ватани Ўзбекистондан туяжак.

Марказ Шарқ ва Ғарбдаги ушбу мавзуга қизиққан олимларни Имом Мотуридий ҳамда мотуридий олимларининг илмий меросини таништирадиган семинарлар, симпозиумлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа илмий тадбирлар орқали бир ерга жамлайди. Шундай қилиб, илмий соҳадаги халқаро ҳамкорлик кучаяди ҳамда бу мерос бутун инсоният учун муносиб шаклда таништирилади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ушбу марказ мустаҳкам пойдевор асосига қурилди. Бундай тадқиқот марказини очиш билан Ўзбекистон бошқа ислом мамлакатлари учун намуна бўлди. Ўз тадқиқотлари билан ушбу марказ сохта салафийлик ва диний радикализм муаммосига дуч келган мусулмон оламига мазкур масалаларни ҳал қилиш учун муҳим ечимларни тақдим этади. Шу сабабли Ислом конференцияси ташкилотига аъзо давлатлар марказ фаолиятини қўллаб-қувватлашда ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдамларини аямасликлари лозим.

Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг, аввало, Ўзбекистонга, қолаверса, барча туркий давлатларга, мусулмон оламига ва бутун инсониятга фойдали бўлишини тилаймиз. Бундай марказнинг изланишлари ҳамда фаолиятига ҳисса қўшиш мен учун ҳам шарафдир. Умид қиламанки, Самарқандда Имом Мотуридий асос солган илоҳиёт таълими анъаналари давом этади. Имом Мотуридийнинг ақл ва ахлоққа таянган диний таълимотини ислом оламининг ҳар бурчагидан етишажак талабалар бутун инсониятга янгидан намойиш қилади.

**Сўнмез ҚУТЛУ,
Туркиянинг Анқара университети профессори, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси.**

# ВАҚТИНЧАЛИК ЧОРАЛАР ОРҚАЛИ КАМБАҒАЛЛИКНИ ЕНГИБ БЎЛМАЙДИ

1

Тўғри, камбағалликни камайтириш чоралари ишлаб чиқилди, "темир дафтар" юритиш тизими жорий этилди. Лекин биз бир нарсани унутмайликки, "яшаш минимуми" миқдорини белгиламасдан туриб, камбағалликни қисқартиришда тўсиқларга дуч келаверамиз. Барча саъй-ҳаракатлар вақт ўтиши билан мақсадсиз ва самарасиз бўлиб қолиш мумкин.

ЎзХДПнинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси томонидан "Яшаш минимуми тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ва концепцияси ишлаб чиқилиб, Ҳукуматга киритилди. Депутатлар, партия фаоллари ҳамда экспертлардан иборат ишчи гуруҳи "истеъмол саватчаси" ва "яшаш минимуми"ни белгилаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш ишларини амалга оширмоқда.

Албатта, ҳозирги пандемия шароитида бу борадаги муносабатларни тартибга солишда бир қатор қийинчиликлар пайдо бўлиши аниқ. Иқтисодий томондан мураккаб бўлган бугунги вазиятда ушбу меъёрни рўёбга чиқариш осон жараён эмас. Аммо бошқа муқобили йўқ. Яъни "Яшаш минимуми тўғрисида" қонун қабул қилиш масаласини ҳар хил баҳоналар билан орқага суришдан ҳеч қандай наф чиқмайди, деб ўйлайман.

**Шербек БЎРОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

1 15 августдан автотранспорт воситаларининг кун давомида юриши, маҳаллий авиа ва темир йўл қатнови учун рухсат берилди. Санаторийлар, меҳмонхоналар, музейлар, болалар оромгоҳлари, дала ҳовлилар ижараси, гўзаллик салонлари, сартарошхоналар, очиқ ҳавода хизмат кўрсатадиган умумий овқатланиш объектлари фаолияти ҳам тикланди. Энди белгиланган талабларга амал қилган ҳолда, уйда 30 кишилик оилавий маросимлар ўтказиш мумкин. Ҳудудлар ўртасида автотранспорт қатнови, жамоат транспорти ва шаҳар атрофидаги автобуслар қатнови тикланди.

20 августдан буюм ва қурилиш маҳсулотлари бозорлари, йирик савдо дўконлари, спорт заллари, фитнес клуб ҳамда бассейнлар ишлай бошлайди.

Эндиги масала ҳар бир инсоннинг ўз соғлиғига масъулиятини, эл-юрт тақдирига дахлдорлигини янада ошириш билан боғлиқ. Президентимиз таъбири билан айтганда, карантин талаблари юмшатилаётган бўлса-да, барчамиз ижтимоий масофани сақлаш, ниқоб тақиш, дезинфекция ва бошқа санитария-гигиена талабларига сўзсиз амал қилишимиз, илгари йўл қўйган хатоларни такрорламаслигимиз керак.

**— Ушбу касалликдан инсоният бутунлай халос бўла оладими? Коронавирусни тўлиқ енгиш учун қанча вақт зарур бўлиши мумкин?**

— Инсоният ўлат, вабо каби ўта хавфли инфекцияларни жиловлай олган. Ёки бўлмаса, тез юқувчи касалликлар бор: қизилча, қизамиқ. XX аср тиббиётининг асосий ютуқларидан бири айнан инфекцияларнинг жиловланиши бўлди. Эндиликда бу касалликларнинг хавфлилик даражаси юқори эмас. Масалан, Ўзбекистон қизамиқдан, полиомиелитдан холи ҳудуд, деган сертификат ҳам олган. Бу эса юқумли касалликларни жиловлаш мумкин, деган хулосани беради.

Коронавирусни ҳам жиловлаш мумкин. Ўзбекистон миқёсида олсак, касаллик ривожланиб борди, аммо жиловлаш мумкин бўлган даражада. Вакцина эса коронавируснинг одамга юқиши ва салбий таъсирини минимум даражагача тушириши мумкин. Масалан, грипп ҳам бир вақтлар одамнинг умрига зомин бўладиган касаллик эди, аммо ҳозир унинг таъсири минимал даражагача тушган. Коронавирус ҳам қачондир минимал таъсир қилувчи касаллик сифатида худди грипп каби биз билан қолиши мумкин.

Агар ҳар биримиз шахсий гигиенага риоя қилсак, иммунитетни яхшиласак, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдалансак, касаллик таъсирини ўзимиз ҳам камайтирган бўламиз. Яна такрорлайман, касалликни бошқариш мумкин. Масалан, 34 миллион аҳолига эга Ўзбекистонда касалланганлар сони фоиз ҳисобида юқори эмас. Иш тўғри ташкил қилинса, ҳар қандай касаллик таъсирини камайтириш мумкин.

**— Самарқанд шаҳрида эпидемиологик аҳвол қандай? Вазиятни яхшилашда қандай саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда?**

— Шу ўринда айтишим керак, эпидемиологик вазият вақтида вилоятдаги барча тиббиёт ходимлари сингари, Самарқанд тиббиёт институти ходимлари ҳам қараб тургани йўқ. Самарқанд, Жиззах, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарёдаги мингга яқин тиббиёт ходимларини коронавирусга қарши кураш доирасида қайта тайёрлашга ёрдам бердик. Биз уларни, аввало, ўзини ҳимоялашга ўргатишга эътибор қаратдик. Коронавирус билан боғлиқ вазиятда ҳам ўзини, ҳам атрофдагиларни, ҳам беморларни ҳимоя қилиш ва уларни даволаш тактикасини ўргатдик. Чунки тиббиёт ходимлари вирусга қарши курашда, аввало, ўзини ҳимоялаши керак. Вирусга бўлган нотўғри муносабат тиббиёт ходимларига зарар етказиши мумкин.

Институтимизнинг 20 нафар ходимидан иборат махсус гуруҳни жойларга чиқариб, тиббиёт ходимлари учун семинарлар ўтказдик. Бундан ташқари, Самарқанддаги коронавирус юқтирган беморлар даволанаётган учта шифохонада институтимиз ходимлари кўнгилли сифатида ишламоқда. Табиийки, жараён ҳақида маълумотга эга бўлиш учун онлайн тарзда даволаш мезонидан хабардор бўлиб турдик.

Даволаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишда ҳам Самарқанд давлат тиббиёт институти профессор-ўқитувчилари фаол иштирок этди. Беморларни даволаш учун энг муҳим тизимлардан бири, бу — бирламчи даволаш муассасалари ҳисобланган поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларидир. Чунки одам касал бўлса, дастлаб поликлиникага мурожаат қилади. Мана шу тизимга кўмаклашиш мақсадида институтимиз профессор-ўқитувчилари томонидан 24 соат ишловчи бепул онлайн-поликлиника ташкил этилди.

Бугунгача 5 мингга яқин онлайн мурожаатлар қабул қилинди. Аҳолимиз коронавируснинг дастлабки аломатларига ўхшаш аломатларни сезганда дарҳол мурожаат қилди. Бундан ташқари, кўнгилли талабалар томонидан Call-марказ ташкил этилди. Кечаю кундуз фаолият кўрсатган Call-марказ 4 мингдан ортиқ мурожаатларга жавоб берди.




**— Шифокор сифатида айтингчи, уй шароитида касаллик белгиларини қандай симптомлар орқали билиш мумкин? Қай ҳолатда уй шароитида даволаниб, қандай шароитда шифохонага ётқизиш мажбурий ҳисобланади?**

— Коронавирус чекина бошлагани айтилаётган бўлса-да, бу мавзудаги саволлар ҳамон долзарблигича қолмоқда, одамлар ҳалигача, асосан, коронавирус ҳақида гаплашмоқда. Менга кўпчилик “Вирус йўқолиб кетадими?” деб савол беради. Шуни тушунишимиз керакки, вирус йўқолиб кетмаган тақдирда ҳам инсоният у билан “дўстона яшаш”га ўрганиши керак. Бунинг имкони бор. Масалан, биз карантинни тўғри йўлга қўйдик, даволаш борасида тўғри ишладик, касалликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрдик ва натижада карантиндан кам йўқотиш билан чиқишга умид қилишимиз мумкин.

Касаллик 70 — 80 фоиз ҳолатларда енгил ўтади. Қачон биз касалликни билишимиз мумкин? Ҳид билиш, таъм сезишда ўзгаришлар бўлса, биз бунга COVID-19 сифатида қарашимиз лозим. Шуни айтиш зарурки, ортиқча ваҳимага тушиш ҳам асаб тизимида муаммоси бор инсонларда ички касалликларни зўрайтириб юбориши мумкин. Шунинг учун агар тана ҳарорати юқори бўлмаса, ҳансираш, ҳаво етмаслик ҳодисаси йўқ бўлса, бу беморнинг ҳолати оғир ҳисобланмайди ва у уй шароитида, албатта, шифокор назоратида даволаниши керак.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим, шифокор кўригисиз ортиқча дори ёки антибиотиклар олиб ичиш организмга акс таъсир этиши мумкин. Беморлар учун бериладиган умумий тавсиялар бошқа, ҳар бир инсоннинг организм хусусиятлари, бу бошқа. Шу сабабли ҳар бир инсон индивидуал тарзда шифокорга учраб, дори воситаларидан фойдаланиши керак. Ҳарорати 38 даражадан юқори, нафас олиши қийин, юрак уриши тез бўлса, ўрта ёки оғир тоифали бемор сифатида стационар шароитда даволанишга ўтиш керак.

Аёнки, бутун дунёда тиббий хизмат бўйича биринчи катта босимни бирламчи даволаш муассасалари қабул қилади. Булар амбулатор поликлиникалар. Албатта, тез тиббий ёрдам ҳам бунинг ажралмас қисми. Шу ўринда бир мулоҳаза. Одамларимизда “Шифохонага ётмасам, осма укол олмасам, тузалмайман”, деган тушунча мавжуд. Баъзи беморларни уколсиз таблетка билан даволамоқчи бўлсангиз, сизга шубҳа билан ҳам қарашади, бу яхши шифокормикин ўзи, дегандек. Барча турдаги асосланмаган даво муолажалари беморнинг аҳволини оғирлаштиришини асло унутмаслик керак.

Ҳар қандай касалликни даволаш, асосан, иммунитетга боғлиқ. Бериладиган дорилар шунчаки туртки. Жарроҳлик касалликларидан ташқари, албатта.

Ўйлайманки, карантин тугагач, табиийки, шифохоналарга мурожаатлар кўпаяди. Бу режали равишда даволанишга эҳтиёжи бор одамлар ҳисобига. Аммо тезкор ёрдам ёки айнан қандайдир касалликлар бўйича мурожаатлар режали тарзда давом этади. Чунки юқорида айтганимдек, биринчи ва энг асосий тўлқинни қабул қиладиган поликлиникалар фаолияти такомиллаштирилмоқда. Бундан ташқари, карантин вақтида одамларда “Уй шароитида даволанса бўларкан-ку, стационарга бориш шарт эмас экан”, деган тушунча ҳам пайдо бўлди. Карантин кўпчиликда мана шундай фикр уйғотди.

**— Карантин даврида кўпчиликда кам ҳаракатлиликка мойиллик пайдо бўлиши мумкин. Бу эса танада бошқа касалликларни ҳам келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Ушбу ҳолатда юртдошларимизга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?**

— Кам ҳаракатлиликнинг олдини олиш мақсадида уй шароитида бўлса ҳам спорт билан шуғулланиб туриш керак. Шунингдек, овқатланиш меъёрига, албатта, амал қилиш зарур. Бу борада тартибнинг бузилиши қон томир ва асаб касалликларини юзага келтириши мумкин.



Коронавирус тарқалиши туфайли гигиена қоидаларига риоя этиш тинимсиз тарғиб қилинмоқда. Статистик маълумотларга кўра, бу бошқа юқумли касалликлар бўйича мурожаатлар камайишига олиб келган. Масалан, гепатит, ичбуруғ касалликлари ва ҳоказо.

Инсоннинг табиати шунақа: кўзи билан кўриб, қўли билан ушламаган нарсага ишонмайди. Бугун кўряпмизки, кўзга кўринмайдиган кичкина зарра ҳам катта муаммоларни келтириб чиқарди ва одамлар буни кўзи билан кўриб, ишонди. Касаллик ваҳимаси, табиийки, одамлар орасида гигиеник тадбирларга мажбурий риоя қилиш даражасини оширди. Одамлар микроблар, вируслар билан, аввало, ўзи курашиши кераклигини тушуниб етди.

Натижада ҳаво томчилари орқали ва бошқа йўллар билан юқувчи касалликлар миқдори ҳам камайди. Ҳозирги кунда барча, ёш болалар ҳам уйга кириши билан қўлларини ювишга одатланди. Бу, айниқса, болаларда турғун рефлекс келтириб чиқаряпти. Бугун мана шундай чекловларни кўрган авлод улғайгач ҳам ниқоб тақиб юришга одатланса, ажабмас.

Умидимиз шуки, одамлар бошга тушган бугунги синовли кунлардан ўзларига тегишли хулосалар чиқаради. Яшаш тарзи билан бирга, онгу дунёқарашини ҳам, феъл-атворини ҳам ўзгартиради. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, темир интизом, қаттиқ чидам ва сабр-тоқат билан биз албатта, бу синовларни тез орада енгиб ўтамиз.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА




# 12,3 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИЛИК МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИНДИ

***Ҳозирги пандемия шароитида ҳам барқарор ишлаб келаётган Олмалиқ кон-металлургия комбинатида маҳсулотлар экспорт кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, комбинат таркибига кирувчи Ангрен қувур заводида бу борадаги ижобий кўрсаткичлар кўзга яққол ташланади.***

## Изланиш

Масалан, йил бошида 2500 тоннадан зиёд турли ўлчамлардаги мис қувурларни ишлаб чиқариш ва унинг 1490 тоннасини экспорт қилиш режалаштирилганди. Бугунгача эса 2850 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 2100 тоннадан ортиғи хориж бозорларига сотилди. Умуман, корхона жамоаси жорий йилнинг олти ойида 12,3 миллион АҚШ долларилик маҳсулотларни чет эллик буюртмачиларга етказиб берди.

Бу ерда, шунингдек, Маҳаллийлаштириш дастури асосида маҳсулотлар турини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Квадрат мис қувури ва мис штангаси сингари янги турдаги маҳсулотлар ушбу изланишлар самарасидир. Бу каби янги маҳсулотларнинг ички бозорда ҳам хариди чаққон. Масалан, Зангиота ва Ўрта Чирчиқ туманларида барпо этилган карантин ҳудудларида кислород тақсимлаш жараёнида мазкур мис қувурлардан кенг фойдаланилмоқда.

Комбинат жамоаси, муҳандис-техник ходимларнинг ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида илмий ишланмаларга жиддий эътибор қаратиши туфайли ОКМКнинг ички ва ташқи бозордаги ҳамкорлари сафи кун сайин ортмоқда. Чунки бу ерда сифат ва кафолат бирламчи вазифа ҳисобланади. Ангрендаги мис қувурлари ўз довруғи билан “ARTEL” ва Навоий кон металлургия комбинатидан бошлаб, Туркия, Россия, Озарбайжон, Болгария, Украина, Беларусь, Қозоғистон каби давлатлардаги нуфузли компанияларни ҳам забт этди.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Диққат, танлов!

# «ҚАДРИНГ БАЛАНД БЎЛСИН, ОНА ТИЛИМ»

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда **«Қадринг баланд бўлсин, она тилим»** шиори остида республика танловини эълон қилади.

Танловнинг асосий мақсади ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, давлат тилини миллий қадрият сифатида тарғиб қилиш, унга нисбатан миллий ғурур ҳиссини тарбиялаш, тилимизнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш, яна муҳими, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашувни ривожлантиришдан иборат.

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишлар аҳоли ҳамда ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, ижтимоий фаоллиги ва миллат тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш, китобхонлик маданияти, ёзма ва оғзаки саводхонлигини ошириш, ёш авлодда ўзбек тилига нисбатан миллий ғурур ҳиссини шакллантириш, улар қалбида умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиромни тарбиялашга, шунингдек, ижодий ишларда чет эллардаги ватандошларимиз ва ўзбек тилини севувчи хорижликларнинг ўзбек тилига муҳаббати ва эътиборини намойиш этиш, ўзбек тилининг амалдаги халқаро мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

Ўзбек тилининг амалдаги мавқеини мустаҳкамлаш, шунингдек, давлат тилига оид муаммоларни ҳал этишга кенг жамоатчиликнинг ижодий ёндашувини ривожлантириш; таълим муассасалари, давлат идоралари, меҳнат жамоаларида намойиш этиш ҳамда халқ орасида кенг оммалаштириш учун ўзбек тили ва адабиётига доир ижодий ишлар жамламасини яратиш; иқтидорли ёшларнинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш, уларнинг давлат тилини тарғиб қилувчи ижод намуналарини рағбатлантириш ва оммалаштириш танловнинг асосий мақсадларидир.

**Танлов қуйидаги номинацияларда ўтказилади:**

**1. Энг яхши бадиий асар (шеърий асар — 30 мисрагача; насрий ҳикоя — ҳажми 3600 босма белгигача).**

**2. Энг яхши публицистик мақола (очерк, лавҳа — ҳажми 5400 босма белгигача).**

**3. Ўзбек тилининг хориждаги энг яхши тарғиботи (ўзбек миллатига мансуб ёки чет эл фуқаролари томонидан яратилган хорижда ўзбек тилини тарғиб қилишга қаратилган илмий, бадиий, мусиқий асарлар ҳамда аудио, видео маҳсулотлар).**

**4. Энг яхши ижтимоий роликлар (аудио, видеороликнинг давомийлиги 3 дақиқагача).**

Танлов ғолиблари пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Энг намунали, ғоявий-бадиий пишиқ ижодий ишлар оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилади.

Ижодий ишлар шу йилнинг 20 сентябрига қадар «Қадринг баланд бўлсин, она тилим» шиори остида info@til.gov.uz электрон почтаси ёки @tiluz_Bot телеграм манзили орқали онлайн қабул қилинади.

Танлов юзасидан қўшимча маълумотларни www.til.gov.uz, www.manaviyat.uz сайтлари ҳамда 99-847-69-41, 97-752-33-99 телефон рақамлари орқали боғланиб олишингиз мумкин.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси Қўмита аъзоси Маҳмуджон Тоировга турмуш ўртоғи

**ГУЛЧЕҲРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.




Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 31 961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Ғаффоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6